



АДОЛАТ: ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Рашид Пазилбекович Маматқулов

Тошкент давлат юридик университети

Умумтаълим фанлар ва маданият кафедраси доценти, ф.ф.н.

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p4-127>

ARTICLE INFO

Received: 12th February 2023

Accepted: 20th February 2023

Online: 21th February 2023

KEY WORDS

Жамият, адолат, ҳуқуқ, ахлоқ, давлат, ижтимоий, қонун, иқтисодий ривожланиш.

ABSTRACT

Мақолада адолат тушунчаси фалсафий ҳуқуқий таҳлил қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муносабатларга кириб келаётган янги кадриятлар, адолат тамойили асосида анализ, синтез, таққослаш, дедукция ва индукция методлари орқали ёритиб берилган. Ушбу мавзуга комплекс методологик ёндашилган. Мақолада адолат мавзусининг бугунги кундаги долзарблиги унинг табиати тарихий ёндашув асосида ёритилган. Ҳуқуқ ва адолат категорияларининг диалектикаси, уйғунлиги ва бир бирини тақозо этиши баён этилган. Мавзу бўйича тегишли хулоса ва тавсиялар берилган.

Тарихий тараққиёт давомида адолат тушунчаси фалсафа фанининг энг асосий категорияси ҳисобланиб келган. Кишилик жамиятининг вужудга келишидан бошлаб, инсоният томонидан адолат тушунчаси мазмун ва моҳиятини ўрганиш, билиш учун доимий равишда зарурият сезиб келган.

Бизга маълумки, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, тарихий тараққиёт давомида диний ахлоқий тамойиллар асосида белгилаб келинган. Масалан, кишилар ўртасида келиб чиққан конфликт ҳолатлари, ғарб давлатларида “глион” (ока-ока), яқин шарқ мусулмон мамлакатларида эса “ал-қасосу минал ҳақ” тамойиллари асосида ҳал қилиниб келинган. Дунёвий давлатлар вужудга келиши, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда қонун устуворлиги масаласини кун тартибига қўйилишини талаб қила бошлади.

Адолат тушунчасининг фалсафий жиҳатини таҳлиliga тўхталадиган бўлсак, дастлаб унинг табиатини очиб беришга ҳаракат қилишимиз лозим.

Адолат тушунчаси арабча сўз бўлиб, “тенглик” деган маънони англатади. Баъзи бир тилшунос олимлар ушбу тушунчани “йўналиш” маъносини беришни таъкидлайди. Бошқа бир манбаларда эса маълум бир ҳатти ҳаракатларни тўғри қоидаларга риоя қилган ҳолатда амалга ошириш маъносида ишлатилиши тўғрисида маълумот берадилар.

Қадимги Римда *jus* – ҳуқуқ, *iustitia* – адолат, тушунчалари битта маънони англатилиши таъкидлаб, ҳуқуқ ва адолат тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини маълум қилишган.



Тарихий тараққиёт давомида адолат тушунчаси файласуф олимлар томонидан ўрганиб таҳлил этиб келинган.

Ибн Мескавейх фикрича адолат маълум бир ғояларни илгари суришда, воқеа ва ҳодисалар ҳақида қарор қабул қилишда энг асосий метод эканлигини таъкидлаган. Бундан ташқари адолат амал қилиш нуқтаи назаридан икки қисмга:

1. Ўзаро алмашинув муносабатидаги адолат.
2. Тақсимловчи муносабатидаги адолатга бўлинишини кўрсатиб берган.

* ўзаро алмашинув муносабатидаги адолат, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларни бошқаради, тартибга солади ва тўғри йўналтиради.

* тақсимловчи муносабатидаги адолат, давлат ва жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни маълум бир тизимга, тартибга солиши тўғрисидаги ғоя ва фикрларни илгари сурган.

Қадимги юнон файласуф олимлари томонидан адолат тушунчасини таҳлил қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд бўлган. Ўша даврда адолат, инсон қадр қимматини билдирувчи ўлчов ҳисобланган. Бундан ташқари инсон ҳаётида жамиятнинг бошқа аъзоларининг ҳақ ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш адолат тушунчасининг асосини ташкил этган.

Платон, Аристотел даврида яшаб ижод қилган файласуф олим Менкиус адолатни икки турга бўлган:

- * ижро этувчи адолат.
- * бажарилиши лозим бўлган адолат.

Унинг фикрича агар инсон ижро этувчи ролида иштирок этса давлат фаолияти адолатли бўлади дейди.

Менкиус адолат қарор топиши учун, юксак ахлоқий сифат, қонунга итоаткорлик ва унинг талабларини сўзсиз бажарилиши лозим деб ҳисоблайди.

Юнон файласуфи Платон қарашларида ҳам адолат масаласи асосий ўрин эгаллайди. Платон томонидан адолат тушунчаси моҳият мазмунини аниқлашда грекча “dikaiosune” сўзидан фойдаланади. У адолат тушунчаси моҳият мазмуни асосида “ҳар бир киши ўз мажбуриятларини бажариши лозим” деган принцип ётишини таъкидлайди. Адолат муаммоси нафақат ижтимоий, шу билан бирга ахлоқий ва сиёсий муаммо эканлигини кўрсатиб беради. Унинг қарашларида ҳуқуқ ва адолат табиий тушунча эканлигини, бир бири билан ўзаро алоқада мавжуд бўлишини, давлат томонидан қабул қилинган қонунлар улар иштирокисиз бўлиши мумкин эмаслигини қайд этади. Бунга сабаб қонун ва қарорлар ҳуқуқ иштирокида яратилади ҳамда давлат томонидан бошқарилишини айтиб ўтади.

Аристотелнинг адолат, ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз ўрни ва аҳамиятига эга. У ўзининг “Nicomachean Ethics” асарида адолат тушунчаси устида тўхталиб, таҳлил қилиб берган. Хусусан адолат тушунчасини икки турга бўлган:

1. Табиий адолат.
2. Қонуний адолат.

Унинг фикрича табиий адолат манбаи нарса ва ҳодисаларнинг табиий ҳолати билан боғлиқ бўлиб, илоҳий ҳисобланади. Табиий адолат жамият қонунлари ва инсон ғоялари билан боғлиқ эмас деб таъкидлайди.



Қонуний адолат қонун кўрсатмасига бўйсунди. Қонуний адолат қонун билан ўзаро алоқада, қонун асосидагина яхши самара ва натижа беради деб ҳисоблайди. Давлат бошқаруви халқ томонидан берилган ваколатлар доирасида адолат устуворлиги ва унинг қонун билан ўзаро алоқасини мўътадил сақлаб туришлигини кафолатлаш лозим деб ҳисоблайди. Шунинг билан бирга давлат бошқаруви қабул қилинаётган қонунлар ва унинг амалиётдаги натижаларини адолат ўлчовига тўғри келишини назорат қилиши лозимлигини таъкидлайди.

Агар суд жараёнида судья томонидан бирон бир воқеа ва ҳодиса ҳақида ҳукм чиқармоқчи бўлса аввалом бор адолат устуворлиги нуқтаи назаридан иш кўрмоқлиги, ундан кейингина қонунга мурожаат қилиши кераклиги тўғрисида фикр билдиради. Акс ҳолда қонун ўз кучини йўқотиши, ҳуқуқий системада тартиб интизом бузилиши, жамият ва инсон ахлоқий ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини билдиради. Шу сабабли адолатнинг тикланиши нафақат инсоннинг мавжудот сифатида мавжудлиги билан боғлиқлиги, шунинг билан бирга ички руҳий ҳолати билан боғлиқлиги энг асосий масала эканлигини таъкидлайди.

Адолат тўғрисидаги Пол Робиннинг фикр мулоҳазалари ҳам ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Адолат тушунчаси мазмун моҳиятини ўрганишда юридик соҳа вакилларининг фикр ва мулоҳазалари устувор эканлигини таъкидлайди. Бунга сабаб юридик соҳа вакиллари адолат тушунчасини илоҳий, муқаддас билишлари деб ҳисоблайди. Умум томонидан қабул қилинган урф-одатлар, эътиқод масаласи, ахлоқ қоидалари ва давлат томонидан қабул қилинган қонунлар адолат қоидаларини аниқлаб бера олмаслиги ҳақида фикр билдиради. Шунинг учун адолат ва ҳуқуқий нормалар ўртасида коллизия вужудга келишини кўрсатиб беради.

Гегел ва унинг издошлари томонидан адолат тушунчаси мазмун моҳиятини давлат тушунчаси билан ўзаро боғлиқликда таҳлил қила бошлайдилар. Уларнинг фикрича адолат тамойиллари давлат томонидан қўйиладиган талаблар билан боғлиқлигини очиб беришган. Ҳуқуқий масалалар эса маълум бир қоидаларга бўйсунушини, адолат эса аксинча ушбу қоидаларга бўйсунмаслигини таҳлил қилишга ҳаракат қилишган. Адолат ҳуқуқий қоидаларни уларнинг тузилишига қараб тартибга солади ва бошқаради деб таъкидлашади. Адолат мақсади инсонлар томонидан ҳақиқатга эришишда онг ва қонунга таяниши лозим деб ҳисоблашади. Шунинг билан бирга Гегел ўзининг “Философия духа” асарида сиёсий ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилишда адолат масаласига эътибор берган:

* Биринчиси - “Субъективный дух” (эркинлик муаммоси). Шахс руҳияти ва ички дунёси билан боғлиқ ҳолат. Ички дунёда фикр қилиш, ҳаракатланиш эркин ҳолатда амалга оширилади. Чегара ва тўсиқлар бўлмайди шунинг учун эркинлик абстракт характерга эга бўлишини;

* Иккинчиси - “Действительный дух” (шартнома масалалари, жиноят ва жазо масалалари). Бундай ҳолат объектив реаллик билан боғлиқ бўлади. Ички рух ҳолатидан объектив рух ҳолатига ўтиш. Субъектнинг объектив реаллик билан мунособатада чегара ва тўсиқлар вужудга келади ҳамда эркинлик ва ҳуқуқ ўртасидаги бир бирини тақозо қилиши ва инкор қилиш механизми ишга тушади. Бу эса



тушунмовчилик ҳолати, конфликт ҳолати юзага чиқишини тақозо этади. Ҳуқуқ - мажбурийлик ва эркинлик ўртасидаги арбитр вазифасини бажаришга тўғри келишини;

* Учинчиси – “Конституция” (давлат, ҳуқумат ва дин). Юқоридаги ҳолатларни тартибга солиш ва соғлом жамият шакллантиришда ушбу институтлар воситасида тартибга солиш. Эркинлик – ҳуқуқ – қонун тушунчалар ўртасидаги кўприк вазифасини адолат бажариши лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, адолатнинг баҳолаш объекти сифатида; жамият ва шахс ўртасидаги муносабат (қонун талаблари, жамият ахлоқий қадриятлари ва тартиблари), шахснинг ўзига нисбатан муносабати (ўзликни англаш), шахснинг бошқа шахсга нисбатан муносабати хизмат қилишини кўриш мумкин.

Немис файласуфи И.Кант адолат категориясининг баҳолаш функцияси шахс ички дунёсида ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини билдиради. Хусусан: виждон категорияси устида тўхталиб, виждон бу эътиқод масаласи эканлигини, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги арбитр вазифасини бажаришини таъкидлайди. Виждон бу онг эканлиги, шахснинг ўз олдидаги бурч саналиши, шу билан бирга адолатсиз бўлган ҳар қандай ҳатти ҳаракатни амалга оширмаслик керак деб таъкидлайди.

Ҳуқуқ ва адолат ўртасидаги ўзаро муносабат диалектикаси таҳлилида ушбу тушунчалар табиатини ўрганишдан бошлаш лозим. Адолат ва ҳуқуқ тушунчалари тарихий тараққиёт давомида доимий равишда бир бирини тақозо ва инкор этиб келган.

Адолат тушунчасига таъриф беришда, аввалом бор унинг ижтимоий жиҳатидан келиб чиқиш лозим. Адолат бирон бир нарсанинг тўғри тақсимоли билан боғлиқ ҳодисадир (масалан бирон бир нарсанинг маълум бир шахсга тегишли ёки тегишли эмаслиги). Адолат тушунчаси мавжудлиги ва амал қилиши ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиб, ҳуқуқсиз ўз таъсир кучига эга бўлмайди. Агар бирон бир шахс адолатли тақсимотни амалга оширса, дастлабки ҳолатда адолатни ифодалаш мумкин, аслида эса ҳуқуқий принципларни реаллашганини кўриш мумкин бўлади. Адолат шахснинг ички (ўзини ўзи англаш ва билиш) ва ташқи (давлат, жамиятнинг бошқа аъзолари билан) муносабатларида ҳуқуқ талабларини бажаришда намоён бўлади. Бунга сабаб ҳуқуқ нормаларисиз адолатли тақсимотни амалга ошириб бўлмайди.

Адолат:

- ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий қадрият;
- кишиларнинг ўзаро ҳаётий муносабатларини тартибга солувчи ва бошқарувчи ижтимоий идеал;
- амалга оширилган ҳатти – ҳаракат ва унга нисбатан қарама- қарши қилинган ҳатти-ҳаракатларнинг бир бирига мос келиш тамойилига асосланишдир.

Адолат

Арифметик
Тенглаштирувчи муносабат
(тенглик)

Геометрик
Тақсимловчи муносабат
(нотенглик)



1. Тенглаштирувчи муносабатдаги адолат жамият аъзоларининг бевосита ўзига эмас, балким улар томонидан амалга оширилган ҳаракатига нисбатан тенгликни талаб этувчи муносабат ҳисобланади. Бундай муносабатда нафақат ижтимоий тенглик шу билан бирга биологик тенглик масаласи ўз аҳамиятига эга.

2. Тақсимловчи муносабатдаги адолатда камида уч киши (субъект) иштироки талаб этилади. Улардан бири тақсимловчи сифатида иштирок этади (масалан талабалар билан муносабатда ўқитувчи тақсимловчи вазифасини бажариши мумкин). Давлат эса фуқоралар ўртасидаги муносабатда тақсимловчи вазифасини бажариши мумкин. Давлат адолатли қонун орқали тақсимловчи тамойилни амалга ошириши мумкин. Яъни фуқораларнинг қонун олдида тенглик муносабати орқали.

Адолат қонундан ташқари бўлиши мумкин эмас. Қонун мақсади объектив реалликдаги юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни кузатиб бориш орқали адолатли қарорлар қабул қилишдан иборатдир. Адолат ва қонун амалиётда, фанда бир бирини тақозо этади, бошқаради ҳамда тўлдиради.

Ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни адолат, эркинлик ва тенглик тамойиллари асосида тартибга солувчи ҳодисадир. Ҳуқуқнинг асоси ва унинг асосий тамойилларидан бири адолат ҳисобланади. Унинг адолатдан ташқари мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ эмас ва шубҳали ҳисобланади.

Объектив реалликдаги воқеа ва ҳодисалар, ҳуқуқ ва адолат категориялари орқали ўрганилади ва таҳлил қилинади. Агар воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларимиз ушбу икки категорияга мос келмаса маълум бир мақсадга эришишда хатоликлар келиб чиқиши мумкин. Ҳуқуқ адолат тамойилига асосланиши лозим. Бундай ҳолат эса ҳуқуқнинг жамиятдаги фаолиятини ва самарадорлигини юқори даражада ушлаб туриши учун хизмат қилади. Ҳуқуқий давлатнинг асосий мақсади ҳуқуқнинг адолат тамойилларига таянишидир.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки адолат ҳар бир ҳалқнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа ахлоқий қадриятларни ишлаб чиқади. Ушбу ахлоқий қадриятлар орқали жамиятда қонунийлик ва ноқонунийлик муносабатлар чегарасини аниқлаб беради. Алоҳида ҳолатларда адолат мустақил характерга эга бўлиши мумкин, бироқ уни амалиётга қўллаш ва риволаниши ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқдир.

References:

1. Aristotel. Nicomachean Ethics. Translated by W. D. Ross, Batoche Books, Kitchene, 1999 / Patterson, Edwin. W. Jurisprudence, Men and Ideas of the Law, Brooklyn, The Foundation Press, INC, 1953.
2. Andrew, Levine. Engaging Political Philosophy, From Hobbes to Rawls, Oxford: Blackwell Publishers, 2002.
3. Hans Kelsen. What is justice? Justice, Law and Politics in the Mirror of Science. Berkeley and Los Angeles. University of California Press, 1957.
4. Hegel Georg Wilhelm Friedrich, Philosophy of Right. Translated with notes by T. M. Knox. Oxford University Press, Lonon 1967.



5. K.D. Ibragimov. (2022). Creation of decent conditions for the people – a guarantee of sustainable development. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. 12(7):180 10.5958/2249-7315.2022.00045.4
6. Plato. Complete Works. Introduction and Notes by J. M. Cooper. Cambridge, Hackett Publishing Company, 1997.
7. Robert C. Solomon and Mark C. Murphy. What Is Justice? Oxford University Press, 1990
8. Маматкулов Р. П. Вопросы повышения политической и правовой культуры в обществе //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2022. – Т. 2. – №. 08. – С. 4-5.
9. Ибрагимов К. Д. Права и свободы человека как основные элементы социальной жизни гражданского общества //Вестник науки и образования. – 2021. – №. 8-2 (111). – С. 52-55.